



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG‘I

20 10 yil “05” 08

№ 201

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекциясига қарши курашиш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш ҳамда беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги тизимини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган профилактик ва эпидемияга қарши кечиктириб бўлмайдиган зарурий тадбирларни амалга ошириш, касалланган ва унга гумон қилинган шахсларга малакали ва тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги тизимини ташкил этиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 июлдаги Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг 41-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Тошкент шаҳрида коронавирус билан касалланганларни даволашда янги тизим жорий этилганлиги;

Бунда:

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида коронавирус инфекцияси билан касалланган шахсларни даволашга мўлжалланган ихтисослашган тиббиёт мажмуасида (кейинги ўринларда – ихтисослашган тиббиёт мажмуаси) коронавирус инфекцияси билан касалланган шахсларни даволашга мўлжалланган махсус шифохоналар ташкил этилганлиги;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан “Ўзэкспомарказ” МКК АЖ, Ёшлик спорт мажмуаси, Ўзбекистон гимнастика федерациясининг “Универсал” спорт мажмуасида коронавирус инфекциясини юктирган шахсларни даволашга мослаштирилган вақтинчалик шифохоналар ҳамда 10 та махсус поликлиникалар ташкил этилганлиги;

коронавирус инфекцияси билан касалланган ва унга гумон қилинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун оилавий поликлиникаларда мобиль бригадалар ташкил этилганлиги ва улар маҳаллий ҳокимликлар томонидан қўшимча автотранспорт воситалари билан таъминланганлиги;

беморларнинг умумий аҳволи яхшиланишига асосан ПЗР текшириш натижалари манфий хулосаси билан шифохонада 5 кун даволангандан сўнг, ПЗР текшируви натижаларини кутмасдан 10 кундан сўнг уларни шифохонадан чиқаришга рухсат берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосарлари (Баситханова, Шарахметов), Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи (Исабеков):

Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда оилавий поликлиникалар мобил бригадаларини зарур дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш;

Тошкент педиатрия тиббиёт институти (Даминов) билан биргаликда ҳар бир оилавий поликлиникаларга бир нафардан институт ходимларидан ҳамда уларнинг ишларини мувофиқлаштириш учун 11 та туманга бир нафардан профессорларни бириктириш чорасини кўрсин.

3. Бирламчи тиббий-санитария муассасалари тизимида коронавирус инфекцияси билан касалланган ва унга гумон қилинган шахсларни даволаш ишларини ташкил этиш мақсадида қуйидагилар:

коронавирус инфекцияси билан касалланган ва унга гумон қилинган беморларни амбулатор шароитида даволаш маршрутизацияси ва ўзаро боғланиши схемаси **1-иловага** мувофиқ;

амбулатор-поликлиника шароитида коронавирус инфекцияси билан касалланган ва унга гумон қилинган беморларни даволаш йўриқномаси **2-иловага** мувофиқ;

коронавирус инфекцияси билан касалланган ёки гумон қилинган беморлар ҳисобини юритиш карточкаси шакли **3-иловага** мувофиқ;

шифокорнинг коронавирус инфекцияси билан касалланган ёки гумон қилинган беморларни назорат қилиш карточкаси шакли **4-иловага** мувофиқ;

оилавий поликлиникалар ва кишлоқ врачлик пунктлари мобил бригадалари жиҳозланиши жадвали **5-иловага** мувофиқ;

мобил гуруҳ шифокорлари учун коронавирус инфекцияси билан касалланган ёки гумон қилинган беморларнинг назорат карточкаси **6-иловага** мувофиқ;

коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга мослаштирилган шифохоналарни мувофиқлаштириш режаси **7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармаси (Шарипов) тиббиёт ташкилотлари раҳбарлари билан биргаликда коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга мослаштирилган шифохоналарни мувофиқлаштиради ва бўшаётган шифохоналарнинг ўз фаолиятини тиклаш чорасини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари (Собиров):

икки кун муддатда Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармаси билан биргаликда амбулатор ва стационар

шароитида, жумладан реанимация ва интенсив бўлимларда коронавирус инфекцияси билан касалланган ва гумон билан даволанаётган беморларни даволаш йўриқномалари ва схемаларини қайта кўриб чиқиб тасдиқланишини таъминласин;

уч кун муддатда Дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш бошқармаси билан биргаликда коронавирус инфекцияси билан касалланган ва гумон қилинган беморларга амбулатор ва стационар тиббий ёрдам кўрсатишга керак бўлган дори воситалари, тиббий буюмларнинг бир ва уч ойлик эҳтиёжини аниқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари (Шарахметов) беш кун муддатда дори воситалари, тиббий буюмларни эҳтиёжга мувофиқ белгиланган тартибда харид қилишни ташкиллаштирсин.

Бунда, республикадаги барча тиббиёт муассасаларида коронавирус инфекцияси билан касалланган ва гумон қилинган беморларга ишлатиладиган дори воситалари, тиббий буюмлар, бошқа касалликларни даволашда ишлатиладиган ҳаётий муҳим дори воситалари ва тиббий буюмларнинг камида **уч ойлик захираси** шаклланиши чоралари кўрилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (Санаев) бир кун муддатда уйда даволаниш тартиби, поликлиника томонидан дори воситалари тўплами тарқатилиши ва шу билан бирга уй шароитида инъекцион дори воситаларини, айниқса томчилаб қуйиладиган дори воситаларининг ишлатиш тақиқланиши ва унинг оқибатларини кенг тарғиб қилинишини ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари (Азизов) уч кун муддатда коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни мувофиқлаштиришнинг онлайн дастурий таъминотини амалиётга тезкор киритиш чораларини кўрсин.

Барча тиббиёт муассасалари раҳбарлари махсус дастурий таъминотда ишлашни ташкил этиш ва маълумотларни ўз вақтида киритилишига шахсан масъуллиги маълумот учун қабул қилинсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқарма бошликлари маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда 5 кун муддатда Тошкент шаҳар тажрибасини ўз ҳудудларида татбиқ этиш чораларини кўрсин.


10. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир в.б



Б. Мусаев

**Коронавирус инфекцияси билан касалланган ва унга гумон қилинган беморларни амбулатор шароитида даволаш
маршрутизацияси ва ўзаро боғланиш схемаси.**



Амбулатор-поликлиника шароитида коронавирус инфекцияси билан касалланган ва унга гумон қилинган беморларни даволаш йўриқномаси

- **Гидроксихлорохин-200 мг**
 - симптомлар пайдо бўлиши билан ва касаллик енгил шаклида, лаборатор текширув натижаларини кутмасдан;
 - овқатдан кейин, 5 кун;
 - 1-кун 1 таблеткадан 2 маҳал,
 - 2-5 кунлар 1 таблеткадан 1 маҳал.
 - Қарши кўрсатмалар: юрак аритмияси, кўз касалликлари
 - Бемор билан мулоқотда бўлганларга: профилактика мақсадида – 2 таблеткадан 1 маҳал ҳафтасига, 4 ҳафта мобайнида
- **Цинк препаратлари** (овқат қабул қилишдан катъи назар) 10 кун:
 - 100 мг кунига 1 маҳал.
- **Витамин Д препарати** - 10 кун,
 - эрталаб овқатдан кейин 4000ЕД
 - мулоқотдошлар учун профилактик доза 2000 ЕД
- **Витамин С:** овқатдан кейин 10 кун:
 - 50–100 мг кунига 3–5 маҳал
- **Азитромицин 500 мг** – кунига 1 марта 5 кун давомида.
 - Қарши кўрсатмалар: ЭКГда ўзгаришлар (Q-T интервали узайиши); оғир жигар ва(ёки) буйрак етишмовчилиги.
- **Парацетамол 500 мг** - тана ҳарорати 38°Сдан юқори бўлганда, бир кунда 3 мартадан кўп эмас.
- **Ацетилсалицил кислотаси 500 мг** – 1/4 таблеткадан кечқурун 1 марта
Қарши кўрсатмалар: меъда-ичак трактининг эрозив-яралли касалликлари, бронхиал астма, оғир жигар ва(ёки) буйрак етишмовчилиги, 12 ёшгача болалар.
- **Оксалин суртмаси** – бурун ичига 3 маҳал, 10 кун.
- **Суюқлик ичиш:**
 - кунига ҳар ярим соатда 50 мл миқдорида (оғир юрак ва буйрак етишмовчилигида – чеклаш).
- **Овқатланиш:** Кунига 5 маҳал
- **Енгил жисмоний машқлар қилиш**
Агар 10 кун давомида симптомлар кузатилмаса, ўзини яқкалашни бекор қилиш мумкин.

Изоҳ: Дори дармонлар қатъий шифокор кўрсатмаси билан қабул қилиниши шарт!

**Коронавирус инфекцияси билан касалланган ёки гумон қилинган
беморлар ҳисобини юритиш карточкиси шакли**

1. Ф.И.Ш. _____
2. Туғилган санаси _____ Ёши _____ Жинси _____
3. Манзили _____

Клиник белгилар		1 кун	2 кун	3 кун	4 кун	5 кун	6 кун	7 кун	8 кун	9 кун	10 кун
Сана											
Иситма ($^{\circ}\text{C}$)											
Нафас олиш сони (дақиқасига)											
Пульс (дақиқасига)											
Ҳансираш	Бор/Йўқ										
Йўтал	Бор/Йўқ										
Хид сезиш бузилиши	Бор/Йўқ										
Бошқа шикоятлар	Бор/Йўқ										

Агарда Сизда:

- Иситма 3 кундан кўп ва 38°C дан ошди бўлган ҳолларда
- Нафас олиш сони 1 дақиқада 22 тадан юқори бўлса
- Пульс дақиқасига 100 тадан зиёд бўлса

ОИЛАВИЙ ШИФОКОРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

Қабул қилинаётган дори воситалари:

- | | | |
|---|--------------------------|---------------------------|
| 1. Гидроксихлорохин 200 мг
(5 кундан кўп эмас) | ☐ ҳа | ☐ йўқ |
| 2. Азитромицин 500 мг
(5 кундан кўп эмас) | ☐ ҳа | ☐ йўқ |
| 3. Цинк препаратлари | ☐ ҳа | ☐ йўқ |
| 4. Витамин Д препарати | ☐ ҳа | ☐ йўқ |
| 5. С витамини | ☐ ҳа | ☐ йўқ |
| 6. Парацетамол
(иситма кўтарилганда) | ☐ ҳа | ☐ йўқ |
| 7. Ацетилсалицил кислотаси 150 мг | ☐ ҳа | ☐ йўқ |

Бошқа дори воситалари

Суюқлик ичиш (3 литрдан зиёд) ☐ ҳа ☐ йўқ

Шифокорнинг коронавирус инфекцияси билан касалланган ёки гумон қилинган беморларни назорат қилиш карточкиси шакли

1. Ф.И.Ш. _____
2. Туғилган йили _____ Ёши _____ Жинси _____
3. Манзили _____
4. Ташхис: Асосий _____
_____ Ёндош _____ Асорати _____

№	Кўрсаткич	Қиймати	Хавф омиллари
1	Беморнинг ёши		65 ёшдан юқори
2	Эпид анамнез мавжудлиги		
3	Тана ҳарорати		38°C дан юқори
4	Охирги 8 соат ичида иситма туширувчи дори воситаларни қабул қилиш (ха/йўқ)		
5	Катарал белгилар, йўтал (бор/йўқ)		
6	Ҳансираш, ҳаво етишмаслиги (ха/йўқ)		ха
7	Зотилжам (пневмония) ва интоксикация физикал белгилари (бор/йўқ)		
8	Юрак уриш сони (бир дақиқада)		90 дан юқори
9	Нафас олиш сони (бир дақиқада)		30 дан юқори
10	Пульсоксиметрия (%)		93% паст
11	Нафас тизими касалликлари - бронхиал астма, ўпкани сурункали обструктив касаллиги ва бошқалар (ха/йўқ)		ха
12	Юрак қон томир касалликлари - артериал гипертензия, юрак ишемик касаллиги, инфарктдан кейинги кардиосклероз, аритмия, сурункали юрак етишмовчилиги (ха/йўқ)		ха
13	Семизлик (ха/йўқ)		ха (шифокор кўрсатмасига кўра)
14	Қандли диабет (ха/йўқ)		ха

Изоҳ: Хавф омиллари аниқланганда мобил гуруҳ шифокорларига маълумот берилади

**Оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари мобил
бригадалари жиҳозланиши жадвали**

I. Тиббий жиҳозлар:

1. Пульсоксиметр
2. Танометр
3. Фонендоскоп

II. Дори воситалари:

1. Магний сульфат 25%-5,0
2. Гепарин 5000ЕД
3. Нитроглицерин (нитросорбит)
4. Коринфар
5. Преднизалон (дексаметазон)
6. Дротаверин (но-шпа)
7. Папаверина гидрохлорид 2%-2,0
8. Дибазол 1%-2,0
9. Корвалол (валокардин)
10. Валидол
11. Шприцлар (2,0; 5,0; 10,0 мл)
12. Пахта
13. Спирт 70⁰
14. Махсус COVID-19 жамлама дорилар

**Мобил гуруҳ шифокорлари учун коронавирус инфекцияси билан касалланган ёки
гумон қилинган беморларнинг назорат карточкиси**

Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга мослаштирилган шифохоналарни мувофиқлаштириш режаси

№	Муассаса номи	Шифо ўринлари
Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга хизмат кўрсатувчи шифохоналар		
1	Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси	480
2	Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти клиникаси	170
3	Вирусология илмий текшириш институти	170
4	Республика ихтисослаштирилган Терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази	300
5	Зангиота мажмуаси ЮКШ №1	600
6	Зангиота мажмуаси ЮКШ №2	600
7	Зангиота мажмуаси ЮКШ №3	480
8	Зангиота мажмуаси ЮКШ №4	558
9	Зангиота мажмуаси ЮКШ №5	558
10	Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам шифохонаси	260
Жами		4176
Ўз фаолиятини давом эттирадиган муассасалар		
1-босқич		
1	Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси	50
2	Республика ихтисослаштирилган Травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази	100
3	Нотиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази (М.У.Лутбек тумани)	100
4	Нотиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази (Яшнобод тумани)	70
2-босқич		
1	1-сонли Республика клиник касалхонаси	100
2	2-сонли Республика клиник касалхонаси	110
3	Нуронийлар санаторияси	200
4	Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази	76
5	Тошкент шаҳар 1-сон клиник шифохонаси	330
6	Республика болалар суяк силли санаторияси	230
7	Республика болалар ортопедия маркази	150
Жами		1516